
30 йил кутилган тиббиёт маскани 30 кунда фойдаланишга топшилди

Бағдод тумани марказидан қарийб 25 км. масофада жойлашган Қосимобод қишлоғи пайдо бўлибдики, шу кунга қадар бу томонларда бирламчи тиббиёт муассасаси мавжуд бўлмаган. Аҳоли ўз саломатлиги билан боғлиқ муаммоларни ҳал қилиш учун 13 км. йўл босиб, энг яқин ҳудуддаги шифохонага ёки туман марказига бориши керак эди. Қишлоқда янги тиббиёт маскани фойдаланишга топшилгач, энди бунга зарурат қолмади.

Туман ҳокими февраль ойи охирида “маҳаллабай” тизими асосида иш ташкил этиш мақсадида ушбу қишлоқ кўчаларини бирма-бир пиёда кезиб чиққан, аҳоли муаммоларини манзилли тарзда ўрганган эди. Шунинг натижасида, ҳудудда тиббий хизмат кўрсатиш пункти йўқлиги маълум бўлди ва бу муаммони зудлик билан бартараф қилиш чоралари белгиланди.

Кўпдан буён фойдаланишсиз турган бино бўлажак тиббиёт маскани учун ажратиб олинди ва бу ерда қурилиш-таъмирлаш ишлари бошлаб юборилди. Эътиборлиси, янги ижтимоий соҳа объекти қурилиши учун давлат бюджетидан “бир тийин” ҳам сарфланмади: барчаси халқнинг бирдамлиги, аҳил-иноқлиги ҳамда ҳомийлик маблағлари ҳисобидан амалга оширилди. Қарийб бир ой давом этган таъмирлаш ишлари якунлангач, бу ерда 18 та янги иш ўрни яратилиб, кеча-ю кундуз ишловчи тез ёрдам бригадаси фаолияти йўлга қўйилди.



Янги тиббиёт маскани Қосимобод ва Гулистон қишлоқларида мавжуд 300 га яқин хонадонга хизмат кўрсатади.

Муассасанинг фойдаланишга топширилиши муносабати билан ташкилланган тадбирда туман ҳокими ҳамда сектор раҳбарлари қатнашди.

Бағдод тумани ҳокимлиги Ахборот хизмати.

2021-04-24 15:35:13